Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 16 октябр шанба

Сотувда эркин нархда

№ 204 (2242)




«Халқ сўзи»нинг вилоят мухбирлари хабар берадилар

## БУВАЙДА БАХМАЛИ

Фарғона воҳасида қишлоқ инфратузилмасини вужудга келтириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бувайда туманида бахмал ишлаб чиқарадиган дастлабки корхона фаолият кўрсата бошлади. Бахмал азалдан элимиз ардоқлайдиган матолардан бири, келинлар сепининг кўрки ҳисобланган. Дарҳақиқат, ял-ял товланиб турган мато қайси аёлни мафтун этмайди, дейсиз. Республика Меҳнат вазирлиги ва «Бизнес-фонд» маблағи ҳисобига барпо этилган корхона ишини йўлга қўйишда тумандаги «Гилам» саноат-савдо жамоаси яқиндан кўмаклашмоқда.

Ҳозирча кунига 30 метрдан зиёд бахмал тўқиляпти. Келгуси йилдан бошлаб дастгоҳлар сони янада кўпайтирилади, бу ерда ишловчи хотин-қизлар эса 150 нафарга етказилади.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон туманининг Яйпан шаҳарчасида «Бизинтруд-Россия-Яйпан» қўшма корхонаси ҳам фаолият кўрсата бошлади. Германиянинг «Зингер» фирмасидан олинган дастгоҳлар ёрдамида асосан тикувчилик буюмлари тайёрланмоқда. 65 нафар маҳаллий аёл иш билан таъминланди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## УЙ БЕКАЛАРИНИНГ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Қўрғонтепа туманида газлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Султонободликлар, айниқса, уй бекаларининг кўпдан буёнги орзулари «Аёллар йили»да ушалгани нур устига аъло нур бўлди. Энди улар ўчоққа ўт қалаш, уни тозалаш каби рўзғор ташвишларидан қутилдилар. Чунончи, Навоий номли жамоа хўжалиги аҳолиси ҳам бугун «зангори олов»дан тўла баҳраманд.

Йил охирига қадар туманда 12 километр масофага газ қувури тортиш режалаштирилган. Ҳадемай, олис қишлоқлар ҳам газлаштирилади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ОЙША» ЖАҲОНГА ИНТИЛМОҚДА

Самарқандлик моделчи-мусаввирлар Валентина Романенко ва Наталья Никитина ташкил этган «Ойша» ижодий гуруҳи ҳақида эшитганмисиз? Улар хотин-қизларнинг либослари учун асосан табиий газламалардан фойдаланишади. Матоларга ранг беришда тут ва райҳон шарбатидан тайёрланган буёқлар қўл келаётир. Қисқа вақтда яратилган «Қуш», «Осиё», «Олма», «Булбул» нусхали либослар харидорлар эътиборини қозонди.

Ижодий гуруҳ аъзолари ҳозиргача Алмати, Бишкек, Москва ва Париж шаҳарларида либослар кўргазма (шоу)сини намойиш этишга ва томошабинларнинг юқори баҳосини олишга муваффақ бўлдилар.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«Самарқандконсерва» корхонасида чехиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда янги цех фойдаланишга топширилди. Бу ерда тайёрланаётган чанқовбосди ичимликлар, ёнғоқ ва атиргул мураббосига талаб катта. Шу боис харидорлар тобора кўпайиб бораяпти.

Олинаётган даромад эвазига чет элдан янги техника ва технология харид қилиниб, корхонанинг иқтисодий қуввати оширилмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Олти мингдан зиёд фуқаро истиқомат қиладиган Заркентда яқингача тузукроқ савдо ёки маиший хизмат шохобчаси йўқ эди. Аҳолининг талаб ва истаклари инобатга олиниб, Янгиқўрғон туман матлуботсавдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти томонидан бу ерда тикувчилик ва тўқувчилик цехлари, нон ҳамда сабзавот дўкони, ошхонадан иборат икки қаватли муҳташам бино барпо этилди. Унинг ёнидаги янги деҳқон бозорини эса «Заркент» ширкат хўжалиги қуриб берди. Ҳар икки иншоот қисқа фурсатларда қад ростлаганлиги эътиборга лойиқдир.

Ташаббуснинг қаноти бор деганларидек, қишлоқ тадбиркорлари ҳам хайрли ишларга бел боғлашмоқда. Шокиржон Ўринбоев шарқона кўринишдаги чойхона қурган бўлса, Муборак Тиллабоева ҳамда Усмонжон Тўхтабоев замонавий дўкон барпо этишди. Раҳимжон Умаров эса овоз ёзиш студиясини ишга туширди.

Янги иншоотлар қишлоққа ҳусн бағишлабгина қолмай, янги иш жойлари очиш, аҳоли учун қўшимча қулайлик туғдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, юз нафарга яқин заркентлик доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

1999 САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 2000
5 декабр — 9 январ

# ТЕНГЛИК ВА ХОЛИСЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг мамлакат Олий Мажлиси депутатлигига ҳамда Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, ҳокимият вакиллик органларига, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига матбуот имкониятларидан фойдаланишда тенг шароитни таъминлаш бўйича қарори изчил бажарилиши зарурлиги хусусида гап борди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов ўз сўзида бу борада журналистлар олдида турган вазифаларга тўхталиб, сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишдек муҳим сиёсий тадбирни ёритиш давомида барча номзодларга, сиёсий партияларга тенг муносабатда бўлиш, қонунчиликда белгиланган ошкоралик тамойилларига мувофиқ ҳолис ва адолатли ёндошиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Анжуманда мулкчилик шаклидан қатъий назар, республика ҳудудидаги барча оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио ва газеталарга сайловлар кампаниясини бепул, ҳомийларнинг аралашувисиз кенг ёритиш тавсия этилди. Давлат ва нодавлат телевидение, радио ва кундалик нашрлари ҳар бир сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари учун эфир вақти, босма миқдорини тенг тақсимлаши шарт.

Шуни айтиш керакки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи ижодий ходимлар Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинса, улар сайловолди ташвиқот даврида сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**

## *НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА*

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов раислигида ўтган ушбу сессияда мамлакат Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессияда Ислом Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳри ҳудудидаги Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодларни Марказий сайлов комиссияси рўйхатидан ўтказиш таклифи киритилди.

### СУРХОНДАРЁ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ж.Норалиев бошқарган ушбу сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессия қатнашчилари мамлакат Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, вилоят ҳудудидаги Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

### ҚАШҚАДАРЁ

Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ш. Бегматов бошқарган мазкур сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессия қатнашчилари мамлакат Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Вилоят ҳудудида жойлашган Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар ҳам кўрсатилди.

**(ЎзА)**




## НОРИНЛИК МЕХАНИЗАТОР

*Норин Наманган вилоятидаги энг илғор туманлар сирасига киради. Кузнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиб меҳнат қилаётганноринликлар пахта йиғим-теримида илғорлар сафида бораётирлар. Туманда, айниқса, машина теримига алоҳида эътибор берилмоқда. Теримда 42 та турли русумли пахта териш комбайнлари унум билан ишлаётир. Моҳир механизатор Тўлаш Боймирзаев пешқадамликни қўлдан бермаётир. Унинг шу кунгача уйган хирмони қарийб 300 тоннани ташкил этмоқда.*

**СУРАТДА: илғор механизатор Тўлаш Боймирзаев; пахта йиғим-терими авжида.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# «БОЁВУТ»НИНГ КАТТА ХИРМОНИ

«Боёвут» деҳқон хўжаликлари бирлашмаси режаси аслида 9100 тонна бўлиб, биз хўжаликда бўлган кунимиз ялпи хирмон 10000 тоннага етганди. Қатор деҳқон хўжаликларида эса ҳали биринчи терим ҳам поёнига етмаганди.

— Ҳозирги энг катта муаммо терилган ҳосилни пунктларга етказиб бериш бўлаяпти, — деди бирлашма раиси Ғофуржон Алиев. — Ҳосилнинг баракали бўлганини ёздаёқ сезгандик. Аммо пахтага бутунлай ботиб қоламиз, деб ўйламагандик. Транспортчилар, механизаторлар икки сменада ишлашаяпти. Билasizларми, бу йил деҳқонларимиз ҳосилнинг отаси ҳам, онаси ҳам меҳнат, пешона тери эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Хомаки ҳисоб-китоблар бўйича, хўжалик омборига 150 тонна ўсимлик ёғи, 700 тоннага яқин кунжара, 500 тоннадан кўпроқ шелуха келиб тушади.

10000 тонна!. Бу Боёвут тумани ялпи хирмонининг роса 28 фоизи демакдир.

Терим даврида хўжалик ишчилари қуш уйқу бўлиб қолдилар. 25 кун деганда улоқ маррага ташланди. Терим авж нуқтага етган кунлари йиллик режага нисбатан 6-6,5 фоиз миқдорида ҳосил териб олинди. 25 кун давомида салкам 80 миллион сўм пул тарқатилди. 1 миллион сўм пул фақат мукофот учун ажратилди.

— Бу йил биз бирор-бир кишини пахта теримига чиқ, дея ташвиқот қилмадик, шунга қарамай, бу ишда аҳоли фаол қатнашаяпти, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Абдужаббор Ҳакимов.

Ўсар Фармонов, Сиддиқ Олланазаров сингари механизаторларнинг куни туғди. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 150-200 тоннадан пахта терди.

Хўжаликда ғалати бир воқеанинг шоҳиди бўлдик. 8 нафар ўғил, 4 нафар қиз ва 5 нафар келиннинг онаси бўлган бригадир аёл Ҳанифа Суяровага ўша куни ғолиб сифатида 100 минг сўмлик сигир топширилди. Бирлашмадан аввал режани бажарган бўлим бошлиқлари, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳам 10000 сўмдан то 100000 сўмгача бўлган мукофотлар соҳиби бўлишди.

Яна 2000 тонна ҳосил учун курашаётган бирлашма меҳнаткашлари кузнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб хирмон салмоғини кун сайин оширмоқдалар.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш комиссияси билан Олий Мажлис фан, таълим, маданият ва спорт қўмитасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Уни Республика Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Йиғилишда таъкидланганидек, "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди. Қонун қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз Истиқлолга эришди, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унда ўзбек тили давлат тили сифатида расмийлаштирилди. Иқтисодиёт ва сиёсий ҳаётда улкан ўзгаришлар юз берди. Олий Мажлис «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг мустақиллигимиз шароитига мослаб янги таҳририни қабул қилди.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш комиссияси томонидан турли вазирлик, қўмита, идора, корхона, ҳокимликларда бу борадаги давлат дастури қандай бажарилаётгани мунтазам ўрганилиб, комиссия мажлисларида муҳокама қилинмоқда. Сўнгги икки йил ичида Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Навоий вилояти, Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши ўрганилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анжуманда, шунингдек, давлат тили ва нутқ маданияти, мустақиллик даврининг топономик сиёсати, қонунни бажаришдаги муаммо, ечим ва вазифалар, атамалар танлаш мезонлари каби мавзуларга ҳам эътибор қаратилди. Тил ҳақидаги Қонунни ҳаётга татбиқ этишда олиб борилаётган ишлар, айрим муаммолар атрофлича таҳлил этилди.

**(ЎзА)**

# ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Сўнгги вақтларда Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шу йил 14 октябр куни Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигига қуйидаги мазмунда нота юборди:

"Ўзбекистон томони Қирғизистон Республикаси жанубидаги холатнинг барқарорлашув жараёни ниҳоясига етаётганидан қониқиш изҳор этади.

Қирғизистон чегараларининг яхши мустаҳкамланиши, айниқса, Тожикистон билан чегарадош жойларда бу суверен давлат аҳолиси ва ҳудуди хавфсизлигининг таъминланиши, қўпорувчи ва террорчи жиноий тўдаларнинг ўзбошимчалик билан ўтиш ҳамда наркотик моддалар билан савдо қилиш йўллари ёпиб қўйилгани Марказий Осиё давлатларининг муштарак манфаатларига мос келади.

Сўнгги уч ой мобайнида юз берган воқеалар минтақамиздаги мамлакатларнинг халқаро террорчилик, диний экстремистик руҳдаги ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилиши зарур эканини кўрсатди.

Ўз сафига турли миллатга мансуб жиноятчиларни бирлаштириб, Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган тўдаларнинг юзсизлик ва ўзбошимчалиги, давлат олдига турли шартлар қўйиб, одамларни гаровга олиши — буларнинг барчаси халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ, халқаро террорчилик ҳаракати, деб баҳоланади.

Ўзбекистон томони, Қирғизистон раҳбарияти номига илгари юборган ноталарида ҳам қайта-қайта такрорлаганидек, Қирғизистон раҳбариятининг қуролли кучларни мустаҳкамлаш, куч ва имкониятни жиноятчи тўдаларга зарба бериш ва уларни йўқотишга қаратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қатъият ва изчиллик билан қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Қуролли Кучлари қардош Қирғизистоннинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларининг дахлсизлигини, аҳолисининг тинчлик ва осойишталигини бузишга уринган ҳар қандай тажовузни бартараф этишда ёрдамга келишга тайёр эканини билдириш ваколатини олган.

Шу билан бирга, биз шунга аминмизки, тобора авж олиб бораётган бундай ёвузлик билан "душманни ўз уйимдан чиқариб юборсам бўлди" қабилида курашиб бўлмайди. Буни жаҳонда террорчилик ва экстремизмга қарши олиб борилаётган кураш тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди.

Жиноятчи ва террорчиларнинг ўзлари гаровга олган кишилар билан биргаликда бемалол чегарадан ўтиб кетиши, уларнинг ҳукумат назоратида бўлмаган Бирлашган тожик мухолифати жангарилари тўдалари билан Тожикистондаги Жирғатол, Ғарм ва Қоратегин зоналарида ҳукм ўтказаётгани жиддий хавотир ва ташвиш уйғотмай қолмайди.

Биз бу жиноятчи тўдалар ортида турган Афғонистон ва бошқа қўшни мамлакатлардаги катта ҳарбий ва молиявий кучга эга бўлган халқаро террор ва экстремизм марказлари ўзларининг ёвузлик ҳаракатини тўхтатмаётгани ҳамда диний экстремизм, ақидапарастлик ва террорчилик мафкурасини ёйиш борасидаги узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларидан воз кечмаётганини эътибордан қочиришимиз мумкин эмас.

Шу маънода, Тожикистон шарқидаги ҳукумат кучлари назоратида бўлмаган ҳудудлардан Қирғизистон жанубига қилинган қуролли тажовуз келгуси баҳорда Тожикистон билан чегарадош юксак тоғ довонлари очилиши билан яна такрорланмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Юзага келган хавфли вазият бу хатарнинг манбаъларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда бундай таҳдиднинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида халқаро ҳамкорликни, энг аввало, Қирғизистонга иттифоқдош давлатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрилишини тақозо қилади.

Ўзбекистон томони Қирғизистон томонига халқаро террорчиларнинг мамлакатларимиз ҳудудлари теварагидаги вазият барқарорлигини бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш борасида мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёр эканини яна бир бор изҳор этади.

Шу билан бирга, маълум қиламизки, биз Ўзбекистон чегаралари ва ҳудудининг хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган хавф-хатарнинг олдини олиш учун чегараларимизни мустаҳкамлаш бўйича барча қўшимча чора-тадбирларни кўрамиз".

**(ЎзА)**

*Огоҳликка даъват*

# КЎНГИЛ ХОТИРЖАМЛИГИ — ЭНГ КАТТА ДАВЛАТ

Одамга яшаш учун кўп нарса керак эмас. Аммо энг катта давлат бу — юртнинг тинчлиги, кўнгил хотиржамлигидир. Агар, қачонки инсоннинг кўнгли хотиржам бўлса, у ерга умид билан уруғ қадайди, ниҳол ўтқазади, экин-тикинини йиғиб олади, фарзанд тарбиялайди, унинг орзу-ҳавасини кўради — хуллас, ҳаёт юмушлари ва савоб ишлар билан машғул бўлади.

Бугунги кўнглимиз хотиржамлиги, аввало, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги. Шунинг учун тинчликни энг улуғ давлат деб биламиз, уни кўзимизга тўтиё қиламиз.

Мустақилликдан сўнг мамлакатимиз том маънода яратувчилик йўлига кирди. Ҳозир шаҳар ёки қишлоқ айлансанг, ҳар икки қадамда битта савоб иш амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўласан. Мана шу бунёдкорлик замирида ҳам, аввало, тинчлик ва барқарорлик ётганлиги ва бу азиз неъматни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмаётгани, балки бу бевосита Йўлбошчимизнинг оқилона раҳнамолиги, бекиёс саъй-ҳаракатлари, халқининг фидокорона меҳнати туфайли амалга оширилаётганлигини биз — оддий одамлар жуда яхши англаймиз.

Яқинда Президентимиз Фарғона вилоятининг қўшни Қирғизистон билан чегарадош туманларига ташриф буюриб чегарачи аскарлар, зобитлар ва халқ билан самимий мулоқот қилдилар. Бу бизнинг руҳимизни кўтарди, мамлакатимизнинг куч-қудурати, салоҳиятига бўлган ишончимизни янада оширди. Президентимизнинг: **«Мен учун халқим, юртим тинчлигидан улуғроқ мақсад, бахт йўқ!»** деган сўзлари қалбимизни ғурурга тўлдирди, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишга, Юртбошимиз атрофида янада маҳкам жипслашиб, у кишига қанот бўлишга ундади.

Албатта, қалби тоза, нияти пок одам ҳеч қачон бировнинг уйига қурол кўтариб кирмайди. Қирғизистоннинг Боткен туманига бостириб кирган халқаро террорчиларнинг нопок ниятини биз яхши англаб турибмиз. Улар минтақада уруш келтириб чиқариш, қон тўкиш, талон-тарож, зулм-зўравонликни авж олдириш ва сўнг ана шу нотинч вазиятдан фойдаланиб кўнгиллари тусаган ноъмақулчиликларга қўл уришни истайди. Чунки бу тўдага аралашиб юрганларнинг бари қонга ботган, отабезори, онабезори кимсалар.

Куни-кеча газетадан ўқиб қолдим: халқаро террорчилардан бирини онаси оқ қилибди... Инсон учун дунёда бундан ортиқ тавқи лаънат борми?! Мен ўша онанинг аҳволини яхши тушунаман: у боласининг нопок кирдикорлари туфайли маҳалла-куйда бош кўтаролмай қолган. Фарзанди шундай қабиҳ йўлга кирганини, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлаётгани ва халқнинг қарғишини олаётганидан юрак-бағри қонга тўлган...

Энди мулоҳаза юритиб кўринг: ўз онасини қон қақшатган, унинг дуоибадига учраган кимса бошқа одамларга раҳм-шафқат қиладими? У бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкмайди, тинч ҳаётни бузиб ташламайди, юртни вайрон қилмайди, деб ким кафолат беради?..

Албатта, бундай нопок кимсалар ҳеч қачон бу ёвуз ниятларига ета олмайдилар.

Аммо шулар тўғрисида ўйлаганингда, беихтиёр тинчлик ва осойишталик улуғ неъмат, уни ҳамиша кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигига имон келтирасан киши.

Тинчлик ва осойишталикни асраш бу — энг аввало, савоб ва эзгу ишларнинг қадрига етиш, оила, маҳалла-куйдан ҳамиша огоҳ бўлиб туриш, фарзандлар тарбиясига чин юракдан ёндошиш деганидир.

**И. САЛОМОВ,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Нишон тумани.**

1999 5 декабр САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 2000 9 январ

# СЎЗИМИЗНИ ВАКИЛИМИЗ АЙТАДИ

Бугун сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбида сайлов руҳи мужассам. Партиялар, вакиллик органлари сайловчиларининг ташаббускор гуруҳлари Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига ўз номзодларини тавсия этиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишаяпти. Самарқандликлар ҳам бу борада фаоллик кўрсатиш ҳаракатида. Яқинда Самарқанд шаҳрида яна бир сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи ташкил топди.

— Ўзим ўқитувчиман, — дейди гуруҳ аъзоси Гавҳар Каримова. — Вилоят бозор муносабатлари ўқув коллежида ёшларга бухгалтерия ҳисобидан сабоқ бераман. Жамоа ва Янги Хайробод маҳалласи аҳли билан келишган ҳолда халқ депутатлари вилоят Кенгашида ўз вакилимизнинг бўлишини маъқул деб топдик. Шу боис вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 5-Регистон сайлов округида ташаббускор гуруҳимизни туздик. Мақсадимиз вилоят Кенгашида ўз номзодимиз бўлиши, қолаверса, вилоят миқёсида, муаммоларнинг қонуний жиҳатдан ечимини топишда кўмаклашишдир. Чунки биз ўз сўзимизни фақат вакилимиз орқалигина айтамиз. Умуман мустақил юртимизда сайловларнинг ошкоравий ва демократик тамойиллар асосида ўтказилишига кенг йўл очилганлигидан биз сайловчилар беҳад мамнунмиз.

Мазкур ташаббускор гуруҳ томонидан бозор муносабатлари ўқув коллежи директори Салим Тошев номзоди вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилди.

**С. АБДУРАСУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

САВОЛ ? ЖАВОБ

**— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари неча кишидан иборат бўлади? Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодникичи?**

**Зафар Зоиров,**
**Чирчиқ шаҳри.**

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳнома беради.

Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

**— Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш тартиби қачон бошланади?**

**Элмурод АБДИЕВ,**
**Касби тумани.**

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 31-моддасида кўрсатилганидек, сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

*18 октябр — Озарбойжоннинг Давлат мустақиллиги куни*

# ҚАДИМ КАРВОН ЙЎЛИ ГАВЖУМЛАШМОҚДА

***Озарбойжон халқи 18 октябрда давлат мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонлайди. Мазкур сана арафасида Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ойдин Азимбеков ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Озарбойжон учун мустақилликнинг дастлабки йиллари анча оғир кечгани кўпчиликка маълум, — дейди элчи. Давлат бошига Ҳайдар Алиевдек доно сиёсатчининг келиши мамлакат ҳаётида туб ўзгаришлар ясади. Озарбойжон нафақат минтақада, балки жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрнига эга бўлди. Айни пайтда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги муносабатлар узоқ даврга бориб тақалади. Қадимий Ипак йўли орқали халқларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар равнақ топган. Ҳозир икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янгича руҳда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида 1991 йилнинг ўзидаёқ бир неча муҳим давлатлараро ҳужжатлар имзоланган.

Икки томонлама муносабатлар тарихида давлатларимиз раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари, хусусан, Ислом Каримовнинг Озарбойжонга ҳамда Ҳайдар Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифлари муҳим ўрин тутади. Мазкур сафарлар асносида давлатларимиз ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Умуман икки давлат ўртасида элликдан зиёд ҳужжат имзоланган. Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ҳаво, автомобил ва темир йўл алоқалари, солиқ, божхона, юк ташиш, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир. Икки мамлакат ўртасида тузилган ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

1996 йилда Тошкент-Боку йўналишидаги самолётлар қатнови ҳафтасига бор-йўғи бир мартагина амалга оширилган бўлса, бугунга келиб, мазкур парвозлар сони ҳафтасига тўрттага етди. Шундан учтасини "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси амалга оширса, биттаси Озарбойжон авиакомпанияси зиммасида. Кўриниб турибдики, икки қардош халқ ўртасидаги азалий карвон йўли яна ўз изига тушди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим қирраси корхона ва компаниялар ўртасида йўлга қўйилган бевосита ҳамкорлик алоқаларидир. Бунга яхши самара бераётган "Ўзбеккимёсаноат" ва "Озаркимёсаноат" уюшмалари ҳамда Ўзбекистон ва Озарбойжон нефтчилари ўртасидаги ҳамкорлик мисол бўла олади. Ўзбекистон-Озарбойжон ҳамкорлигининг яна бир муҳим жиҳати транспорт коммуникацияси соҳасидир. Айниқса, ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш, яъни, Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлайдиган йўлакни барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар икки қардош мамлакатнинг иқтисодий муносабатлари янада ривожланишига кучли туртки бўлмоқда. Бу борада 1996 йили Эроннинг Сарахс шаҳрида Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон ва Грузия ўртасида имзоланган ҳужжат коммуникация соҳасидаги катта силжишлардан бири бўлганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Ўзаро ҳамкорлигимизнинг яна бир йўналиши маданият соҳасига тааллуқли. Маданият халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган муҳим воситадир. 16-18 октябрда, Озарбойжоннинг мустақиллик байрами нишонланадиган кунлар Тошкентда юртимиз кино усталарининг энг сара асарларидан намуналар намойиш этишни режалаштирмоқдамиз. Шуни мамнуният билан таъкидлашим керакки, маданий алоқалар борасида катта натижаларни қўлга киритмоқдамиз. Халқларимиз бир-биримизнинг маданият ва санъатини таниш, ундан баҳра олиш баробарида, ўзаро дўстлик алоқаларини ҳам мустаҳкамламоқда. Машҳур озар қўшиқчиси Зайнаб Хонларованинг Тошкентда берган концертлари, Самарқандда бўлиб ўтган Шарқ тароналари биринчи халқаро мусиқа фестивалида Озарбойжон вакиласи Симара Имомованинг олий мукофот совриндори бўлиши ҳамда Тошкент халқаро кинофестивалида киноактрисамиз Аямар Қосимова "Энг яхши аёл роли" мукофотига сазовор, деб топилиши ҳам қувонарлидир. Мазкур тадбирларнинг барчаси азалий қардош ўзбек ва озар халқларини бир-бирига яқинлаштириш учун хизмат қиляпти.

**Аброр ҚИЛИЧЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида корхоналарнинг банкротлиги ва санациялаш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг корхоналарнинг банкротлиги бўйича қонун ҳужжатларини жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорининг бажарилишига оид Вазирлар Маҳкамаси қурилиш ва қурилиш материаллари саноати мажмуининг идоралараро ишчи гуруҳи, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича худудий комиссияларнинг ҳисоботлари тингланди.

"Ўзқурилишматериаллари" компанияси ва "Тошуйжойинвестқурилиш" корпорацияси таркибидаги зарарига ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарнинг рўйхати кўриб чиқилди. Ҳукумат комиссияси қарори билан мазкур муассасалар раҳбарларига "Нукус қурилиш материаллари заводи", "Беруний гербиш заводи", "Шимбой гербиш заводи" акционерлик жамиятлари, "Янтоқ-брит" қўшма корхонасида банкротлик жараёнини бошлаш топширилди.

Мажлисда Навоий ва Сурхондарё вилоятлари худудий комиссиялари раисларининг ҳисоботлари тингланди. Худудий комиссияларнинг жойлардаги иқтисодий ночор, шунингдек, зарарига ишлаётган корхоналарни тугатиш борасидаги фаолиятига объектив баҳо берилди.

Ҳукумат комиссияси Навоий вилояти худудий комиссиясининг зарарига ишлаётган корхоналарни тугатиш, ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги иши қониқарсиз эканини қайд этди. Бундай ҳолатларнинг юзага келишига ижро интизоми сустлиги, талабчанлик пастлиги, айрим раҳбарлар ва мутахассисларнинг масъулиятсизлиги сабаб бўлаётир. Корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича комиссия иши кескин танқид остига олинди. Навоий вилояти худудий комиссиясига "Шарқ", "Бўстон", "Вилоят савдо уюшмаси" акционерлик жамиятлари, "Навоий бизнес маркази" қўшма корхонаси ва масъулияти чекланган "Нур" жамиятида банкротлик жараёнини амалга ошириш топширилди.

Ҳукумат комиссияси айрим вилоятларда, жумладан, Жиззах, Фарғона ва Навоий вилоятларидаги худудий комиссиялар ўзбошимчаликка йўл қўяётгани, масалалар ечимига масъулиятсиз ёндашаётганини қайд этди. Айрим ҳолларда амалдаги тартибга зид равишда корхоналар истиқболи чуқур таҳлил қилинмай туриб, санация қилинган.

Мажлисда корхоналар иқтисодий ночорлиги бўйича қўмита, вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, статистика органлари ва хўжалик суди раҳбарларига банкротлик институтини кучайтириш ва корхоналар санацияси самарадорлигини оширишга қаратилган ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича муайян чора-тадбирлар кўриш, банкротлик аломатлари кўринган корхоналарни аниқлаш бўйича ишларнинг қониқарсизлиги сабабларини таҳлил этиш, зарарига ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш бўйича қатъий чоралар кўриш топширилди.

**(ЎзА).**

**Мустақилликка эришганимиздан бери ўтган қисқа вақт ичида ҳаётимиз тубдан ўзгарди, таълим-тарбия ишларига эътибор кучайтирилди, болаларга жаҳон андозаси талабларига мос билим бериш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳозирги кунда ҳатто қишлоқ мактабларида ўқиган болалар АҚШ, Англия, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нуфузли дорилфунунларида таҳсил олмоқда.**

**Мустақиллик неъматларидан баҳра олиб, ўзлари учун яратилган имкониятлардан тўлақонли фойдаланаётган қишлоқ мактаби муаллимлари ҳам ҳозирги кунда ўзларини намоён этмоқдалар. Мен уларни Жиззах туманидаги Ж. Маматқулов номидаги 28-ўрта мактабнинг олий тоифали инглиз тили ўқитувчиси Ҳулкар Мустафоқулова тимсолида кўраман. Содда, камтаргина бу аёл бир ўқув йилининг ўзида учта танлов ғолибаси бўлди.**

*Истиқлол — аёл тақдирида*

# КАМОЛ ЭТ КАСБИМ...

Ҳулкар опа 1998 йил ноябр-декабр ойларида ўтказилган Британия кенгашининг «Миллий дастур яратиш» бўйича ўтказилган танловда ғолиб бўлди. Бу ғолибликни қўлга киритишда опанинг 18 йиллик иш тажрибаси қўл келди. Ҳулкар опа қўллаётган хорижий тилларни ўқитишнинг ноанъанавий усуллари ва дидактик усуллардан фойдаланиб ташкил этган очиқ дарслар унинг ўз устида тинимсиз изланиши самарасидир. Интегратив дарс ташкил этиб, илғор педагогик технология усулларини «Синов дарси», «Саёҳат дарси», «Ўйин дарси», «Конференция дарси», «Телеўйин дарси», «Иқтисодий билимлар билан таништириш дарси», «Театр дарси» ва «Мини- тест усули» каби услубий йўналишлар билан мужассамлаштириб, оддий дарс жараёнига сингдириб юбора олгани, албатта, таҳсинга сазовордир. Британия кенгаши мутахассислари томонидан муаллиманинг ижодий иши юксак баҳоланди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб, дарслик ёзувчи муаллифлар сафига таклиф қилинди.

Америка ахборот хизмати (ЮСИС), Таълим ва тил ўргатиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти томонидан ўтказилган «Инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилик мукофоти Дастури»да Ҳулкар Мустафоқулова яна ғолибликни қўлга киритди. Ғолибга соврин сифатида у ишлаётган мактаб 2000 АҚШ доллари (компьютер), муаллиманинг ўзи эса 200 АҚШ доллари қийматидаги ўқув жиҳозлари билан тақдирланди ҳамда унга диплом ва сертификат берилди.

Оддий қишлоқ мактабида дарс берувчи муаллима яратган кўргазмали қуроллар ва услублар Таълим ва тил ўргатиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти — АКСЕЛС мутахассисларини ҳам ҳайратда қолдирди. «Қўғирчоқ билан дарс ўтиш», «Сеҳрли қутича» ўйини, «Расмлар ва ранглар орқали янги сўзларни ўргатиш» каби дарс ўтишнинг ноанъанавий усуллари, шунингдек, «Мини-тест» болаларнинг билимини тез рейтинг баҳолаш имконини беради ҳамда дарсларнинг жонли, самимий бўлишини таъминлайди.

Ҳозир Ҳулкар Мустафоқулова Республика таълим маркази тавсиясига биноан болалар боғчаларида инглиз тилини ўргатиш дастури ва китоби устида ишламоқда.

— Боғча ёшидаги болаларга инглиз тилини ўргатиш дастури «Биз инглиз тили мамлакатига саёҳатга кетамиз», деб номланади, — дейди Ҳулкар опа. — Дастурда болаларнинг ёши ва фикрлаш қобилияти инобатга олинади, рангли суратлар ёрдамида содда сўзлар тушунтирилади. Ва, секин-аста сўзлашиш услуби мураккаблашиб боради. Рангли суратлар билан ўйин-дарс услубида ўргатилганда инглизча сўзларни болалар нафақат тез ёдлашади, балки осонроқ тушуниб ҳам олишади, фикрлашни ўрганишади. Биласизми, Президентимиз Ислом Каримовнинг менга жуда ёқадиган бир гаплари бор: **«Албатта, билим керак. Аммо, билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир».** Ҳақ гап. Ёдлаб олинган қуруқ билимнинг ҳеч кимга нафи йўқ. Биз — муаллимлар, болаларга билим берибгина қолмай, уларни мустақил фикрлашга ўргатишимиз лозим.

Ўз касбининг устаси, истеъдодли муаллима изланишдан сира чарчамайди, гарчи ҳаётда эришган ютуқларидан кўнгли тўлса-да, янада янги чўққиларга интилаверади. Ва, Ҳулкар опа Республика «Устоз» жамғармаси томонидан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Малайзия каби давлатларнинг етакчи ўқув марказларида қайта тайёрлаш, малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида 1999 йил учун эълон қилинган танловда иштирок этиб, ҳар учала босқичдан муваффақиятли ўтди ва «Устоз» гранти соҳибаси бўлди. Ва, энди чет эл педагогик технологиясининг илғор усулларини китоб ва журналлардан ўқиб-ўрганмасдан, ўз кўзи билан кўриш имконини қўлга киритди.

Бир ўқув йилида учта танловнинг ғолиби бўлиш айтишгагина осон, холос. Бу муваффақиятлар қанчадан-қанча меҳнат, изланиш, уйқусиз тунлар эвазига келган экан? Бунинг устига уч нафар фарзанди — Насима, Фотима ва Зуҳраларнинг жажжи бўлса-да, сон-саноқсиз «ташвиш»лари...

Ўз касбининг устаси, маҳоратли муаллиманинг орзулари осмон қадар.

— Бола ниҳолдек нозик, уни қай томонга эгсанг эгилаверади, — дейди Ҳулкар опа. — Бизнинг вазифамиз эса болага билим берибгина қолмай, унинг қалбига инсоф-у диёнатни эш қилиб, эл-юрт равнақи учун виждонан ишлаб тер тўкишга, нонини ҳалоллаб ейишга ўргата олсак, ўз эркимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ҳисса қўшган бўламиз. Ўзбек элининг истеъдодли фарзандлари кўп. Ана шу ёшларнинг ўз иқтидорини тўла-тўкис намоён этиб, истеъдоди ва салоҳиятини жаҳон афкор оммасига кўрсатиб яшашлари учун биз — устозлар масъулмиз.

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Урганчда Хоразм вилояти фаоллари йиғилиши бўлди. Унда шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижалари кўриб чиқилди.**

# ИСЛОҲОТЛАРДА ИЗЧИЛЛИК БЎЛИШИ КЕРАК

Йил бошидан буён ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришларга эришилгани қайд этилди. Вазирлар Маҳкамасининг "1999 - 2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида" ги қарорини изчиллик билан амалга ошириш туфайли бир қанча янги корхоналар ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигида ҳам тузилма ўзгаришлари давом этмоқда.

Бироқ бу ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, агросаноат мажмуида ҳал қилинмаган муаммолар кўп. Бу мажмуани ривожлантириш суръатлари ҳамда бозор ислоҳотларининг бориши меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиши суръатидан анча орқада. Кўпгина корхоналар ҳамон паст рентабелли бўлиб қолмоқда, уларнинг маҳсулоти нафақат ташқи, ҳатто ички бозорда ҳам рақобатбардошли эмас.

Фаоллар йиғилишида соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурининг бажарилиши ҳам муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими И.Бобожонов нутқ сўзлади.

**Т. ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАРКАЗ ЁРДАМГА КЕЛАДИ

Тўрақўрғон механика-иқтисодиёт коллежи негизида очилган янги марказ Фарғона водийси фермерларини фермер хўжалиги ишини қандай қилиб тўғри, энг муҳими эса иқтисодий жиҳатдан фойда келтирадиган тарзда ташкил этишга, олинган фойдани оқилона тасарруф қилишга ва бошқа кўп нарсаларга ўргатади. Фермерларни ўқитиш ва уларни ахборот билан таъминлаш маркази ТАСИС дастури доирасида ташкил этилди. Хорижий ҳамкорлар марказни ташкил этишга замонавий жиҳозлар - видеотехника, компьютерлар ҳамда услубият адабиётлари билан ҳисса қўшдилар.

Тўрақўрғон коллежининг марказда фермерларни ўқитиш билан банд бўладиган ўқитувчилари тегишли тайёргарликдан ўтдилар. Ўз ишини йўлга қўйган фермерлар билан биргаликда бу ерда коллеж талабалари ҳам таълим оладилар, бу коллеж қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлайди. Марказда олинган билимлар талабаларнинг келгуси ишларида наф келтириши шубҳасиз.

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Суд залидан

# МИС ЎҒРИЛАРИ

**Сардобада маҳаллий ва халқаро алоқа кабелларига тажовуз қилган гуруҳ фош этилди**

Дейдиларки, тирикчиликнинг айби йўқ. Лекин тирикчилик воситаси ўғирликка асосланмаслиги, унинг негизида меҳнат ётиши, меҳнат эса ўзгалар моли-жонига зарар етказмаслиги керак. Халқона қилиб айтганда ҳалол меҳнатнинг мевасигина баракали бўлади.

Яқинда Сирдарё вилоятидаги Оқолтин туман судида бир жиноий иш кўрилди. Айбланувчилар уч киши эди. 29 ёшли Юлдуз Шокиров, 25 ёшли Зуҳра Шоинова, 15 ёшли Шуҳрат Нишоновлардан иборат уюшган гуруҳнинг жиноий қилмишлари очиб ташланди.

Ҳеч қаерда ишламай юрган Юлдуз исмли фуқаро кунлардан бир кун қўшни мамлакатда рангли металл парчаларининг бозори чаққон деган гапни эшитиб қолади. Бу гапни Сардоба қўрғонида яшовчи қонунсиз хотини Зуҳра ва шу ерлик Шуҳрат билан муҳокама қилишди. Юлдузнинг таклифига улар рози бўлишгач, учовлон ярим кечаси яқин орадаги даладаги симёғочлардаги алоқа кабелини ўмаргани равона бўлишди.

Оғир меҳнатга тоби йўқ Ю. Шокиров симёғочга ўзи чиққиси келмади. Уйида боласини қолдириб келган Зуҳрага имо қилди. У «эри»нинг ёрдамида симёғочга тирмашиб чиқдида қўлидаги омбир ёрдамида ичида миси бўлган алоқа кабелини қирқиб тушди. Биринчи симёғочдаги иши осон битганидан мамнун бўлган аёл иккинчи симёғочга ҳам ўзи чиқди. Қолганлар эса узилиб тушган кабелни ердан тез йиғиб ўраб олишди. Сўнгра учалови тахминан 300 метр келадиган кабелни олов ёқиб куйдириб, тахминан 9 килограмм мисни ажратиб олишди.

Жиноят гуруҳи раҳбарининг айтишича, бу мисни нотаниш кишига 1800 сўмга сотиб юборишган.

Бу ўғриликнинг дастлабки оқибати нималарга олиб келишини синчков ўқувчимиз тушуниб етди, деб ўйлаймиз. Энг аввало, Сардоба қўрғони ва Р. Мусамуҳамедов номли хўжалик йўналишидаги алоқа ишдан чиқди. Ташкилот ва одамлар телефон алоқасидан муайян муддатга маҳрум бўлдилар. «Сирдарётелеком» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг Оқолтин туман бўлими КСПП 4х1,2 кабелидан ажралиб 35000 сўмлик моддий зарар кўрди. Кабел ўғрилари биринчи ўлжадан кўнгиллари тўлмай яна кўзлари олазарак бўлиб мис қидира бошлашди. Айниқса, Зуҳра ўлжа пулидан ўзига улуш берилмаганидан аччиқланиб, кейинги овга фақат Шуҳрат билан боришга аҳд қилди. Иккалови 15 апрел кеч соат 20 ларда туман алоқа бўлимининг омборидан тахминан 20 метрча, нархи 17000 сўмлик алоқа кабелини ўғирлашди. Бу сафар Зуҳра пойлоқчилик қилди. Куйдириш йўли билан ажратилган мисни Шуҳрат уйига олиб кетди.

Ўғриликдан тушган пулни еб битиргандан кейин Юлдуз яна симёғоч санай бошлади. Шуҳрат иккаласи тунги соат иккиларда Тошкент-Термиз йўли яқинидаги буғдойзордан ўтган алоқа тармоғига ёмон кўзларини тикишди. 250 метрча кабел ўғрилар қўлидаги токқайчида кесилди ва куйдирилиб, миси олинди. Мулк эгаларининг ҳисоблашича, бу зарар 85000 сўмни ташкил қилади. Текин ошнинг мазасига ўрганиб қолган Юлдуз Шокиров кейинги «ов»га яна Шуҳратнинг бир ўзини олиб борди. Улар тунги соат учларда Сардоба қўрғонидаги Охунбобоев кўчасида пайдо бўлишди. Деҳқон бозори томонга тортилган кабелдан тахминан 400 метрчасини ана-мана дегунча кесиб ташлашди. Улар кабелни ердан дарров йиғиштириб олишди. Кесиб олинган кабел қиймати 122600 сўмни ташкил этди.

Бу ўғирликлар охир-оқибат мулкий зараргагина олиб келмай, балки алоқани мунтазам издан чиқариши, бошқарув ва ахборот узатишни барбод қилиши, айниқса шошилинч тиббий ёрдам чақириш, тасодифий ёки фавқулодда ҳолатларда тегишли жойларга хабар беришни хавф остида қолдиришини ҳисобга олсак, пул билан ўлчанмайдиган талофот келтиришга сабаб бўлади. Бироқ бундай оддий фикрлар кўзига ялтироқ мис, унга тўланадиган пулдан бошқа нарса кўринмайдиган Юлдуз ва унинг шериклари хаёлига ҳам келмасди.

Маҳаллий алоқага анчамунча зарар келтириб улгурган гуруҳ аъзолари энди халқаро алоқа симларига дахл этишга ўтишди. Шу йилнинг 6 май куни кечаси соат иккиларда икковлон шу қўрғон ҳудудидаги «Сардоба» ер ости турли хил кабелларини қирқиб олишни мўлжаллашди. Кабелни яна ўша токқайчи билан қирқишдию лекин тортиб чиқариша олмади...

Шу пайтда ТрансОсиё-Оврупо алоқа тармоғининг Гулистон-Жиззах участкасида узилиш рўй берди. Зудлик билан ўтказилган текширув натижасида бу узилиш ва халқаро аҳамиятдаги алоқанинг шикастланиши Сардоба ҳудудида рўй берганлиги маълум бўлди. Бу ерда тўрт турдаги кабелларга жиддий шикаст етказилганлиги аниқланди. Халқаро алоқанинг ҳудудий бошқармасига бу тажовуз 1.349999 сўмлик моддий зарар етказди. Ҳаром луқма топиш йўлидаги бу ҳаракат оқибати айбдорларни Жиноят кодексининг тегишли моддаларини қўллаб жазолаш билан ниҳоясига етди.

Айбларига тўла иқрор бўлган уюшган гуруҳ аъзоларидан ҳар бирининг қилмиши алоҳида ҳисобга олиниб, ҳукм ўқилди. Юлдуз Шокиров мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилга, Зуҳра Шоинова 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтаттириладиган бўлди. Шуҳрат Нишонов эса 5 йил қамоққа ҳукм қилинди. Алоқа бўлимига етказилган 259600 сўм ва халқаро алоқа ҳудудий бошқармасига келтирилган бир миллион 349 минг 999 сўм зарар судланувчилардан тенг улушларда ундириб олинадиган бўлди.

Шундай қилиб, мис ўғриларининг миси чиқди.

**А. АБДУБАННОПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЁШЛАР» КАНАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Қорақалпоғистон телевидениесида «Ёшлар» канали ўз ишини бошлади. Дастлабки босқичда ушбу канал орқали ҳар пайшанба куни 2-2,5 соат давомида кўрсатувлар берилиши йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон радиосининг «Ёшлар» канали эса шу йил сентябр ойидан эътиборан фаолият кўрсатаётир. Бу ерда ҳозирча ҳар куни бир соат давомида «Ёшлар» канали эшиттиришлари бериб борилмоқда.

— Эшиттиришларимиз тингловчиларга, асосан ёшларимизга маъқул бўляпти, — дейди канал муҳаррири Рисгул Жумабоева. — Қисқа вақт давомида радиотингловчиларимиздан кўплаб мактублар олдик. Хатлар муаллифларининг фикр ва мулоҳазалари асосида эшиттиришларни янада мазмунли тайёрлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Каналимизга энг тажрибали радиожурналистлар жалб этилган.

Р. Жумабоеванинг таъкидлашича, келгусида «Ёшлар» радиоканали эшиттиришлари вақтини кўпайтириш имкониятлари кўзда тутиляпти.

**«Туркистон-пресс».**

Ижтимоий ҳаёт ва зиёли

# СЎЗИМИЗГА МУНТАЗИРДИР ОДАМЛАР

***Ҳамма замонларда ҳам халқ зиёлиларга ҳурмат билан қараган, унинг обрў-эътиборини жойига қўйган, сўзларини жон қулоғи билан тинглаган. Чунки у ўз номи билан зиёли, юрти узра зиё таратган, халқига маънавият улашган.***

***Президентимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирига берган жавобларида ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш, аҳолини, айниқса, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш борасида олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда зиёлиларимиз роли бениҳоя катта эканлиги алоҳида таъкидланган. Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Президентимиз Фармонида юртимиз фуқаролари онгига истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳини янада чуқур сингдириш асосий вазифалардан бири деб алоҳида таъкидланади.***

Жамиятнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашмоқ, шу ҳаёт оқимини Ватан манфаатлари йўлида боришига кўмаклашиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи шарт. Замон шу даражада шиддат ила ривожланмоқдаки, барча воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида илғаш, улар моҳиятини тўғри тушунишга улгуролмай қолаяпмиз. Баъзи масалаларда эса кечикаяпмиз. Бундан айрим кимсалар фойдаланяпти. Биз бормаган жойга бошқалар бораяпти, биз учрашмаган кишилар билан бошқалар учрашаяпти — ҳамма йўллар билан, кўпинча алдов билан кишиларни, айниқса, онги ҳали шаклланиб улгурмаган ёшларни тўғри мақсаддан чалғитмоқдалар, уларни йўлдан уриб, дунёқарашини зарарли ғоялар билан шакллантиришга уринмоқдалар.

Қўшни давлатларда содир бўлаётган воқеалар ҳаммамиз учун, айни пайтда ҳар биримиз учун жиддий сабоқ бўлмоғи лозим. Лоқайдликни улоқтириб ташлаш, ҳодисаларга сезгирлик билан боқиш, уларга жиддий ёндашишни талаб этмоқда.

Ватан сиз билан бизнинг хизматимизга мунтазир. Юрак тафтимизни бағишлайлик шу юртга. Мустақиллик неъматларини, танлаган йўлимиз ёруғлигини, юртимизда бўлаётган буюк яратувчилик ишларини тўлиб-тошиб сўзлаб берайлик ватандошларга. Меҳнат аҳлининг юрагида нима дарди бор, қайси масалалар уларни қийнаяпти, нималар ҳақида аниқ тасаввури йўқ, қай масалада иккиланаяпти — ҳамма-ҳаммасини диққат билан тинглайлик. Эринмасдан жавоб берайлик. Токи даврада ўтирганларнинг сиздан кўнгли тўлсин. Суҳбатни шундай усулда ташкил қилайликки, ўртага ташланган бирорта ҳам савол жавобсиз қолмасин. Ҳақ сўз кишилар руҳини поклайди, онгини ўткирроқ ва сезгирроқ қилади. Масалаларни ўткир қўйишни ва ҳеч нарсани бўямасдан кўрсатишни, уларни лўнда қилиб ифодалашни Юртбошимиздан ўрганайлик.

Сир эмас, ҳозир ғоялар кураши авж олган палла. Бу демак, кишилар учун кураш демакдир. Ким ҳақиқатни яширмай гапирса, адолатни асосий ўлчов қилиб олса, ёлғон аралаштирмаса сўзларига, одамлар қалбига йўл топаолса, аниқ далиллар, рад этиб бўлмайдиган мисоллар билан ўз сўзига ишонтираолса ўша ютади, мақсадига эришади. Камчиликларимиз бор. Мураккабликлар ҳам етарли. Лекин танлаган йўлимиз бирдан-бир тўғри йўл эканлигига, унинг самаралари ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда кўзга ташланаётганлигига, вақт ўтган сари ислоҳотларимиз мевалари тағин ҳам мўл-кўл ҳосил беришига, келгусига янада катта умидлар билан боқишга кишиларни ишонтириш — бизнинг санъатимизга, маҳоратимизга боғлиқ.

Халқимиз катта воқеалар олдида турибди. Олий Мажлисга ва Республика Президенти сайловига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Шу муносабат билан тегишли тарғибот ва ташвиқот ишларида зиёлиларимизнинг роли бениҳоядир. Сўзларингиз бамисоли шамчироқ бўлсин. Токи у одамлар қалбини ёритсин. Онгига эзгулик берсин. Агар шу мақсадга эришсак, улар яна сизни кутадилар. Кутганда ҳам катта илҳақлик билан кутадилар.

Ҳақ одам кучли бўлади. Ҳақиқат эса биз томонда. Адолат — бизнинг қуролимиз бўлмоғи даркор. Одамларимиз онги етарли даражада — ким ҳақ гапни айтаяпти, ким соҳталик қилаяпти — уларни жуда яхши ажрата олади.

Зиёли — ҳамиша ва ҳамма вақт ўз халқи, ўз миллатининг фидойиси бўлиб келган. Юртига ҳалол хизмат қилмоқликни у ўзи учун буюк шараф ва бахт деб билган. Шунинг ўзи бизга мислсиз эҳтирос ато қилади. Букилмас эътиқодимиз кучи, қудрати ила Ватан чақириғига амалий иш билан жавоб бермоқликни ҳар биримиз ўзимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб билайлик. Улуғ ишлар бўлаяпти қадимий Турон заминида, олдимизда эса янада улуғроқ, тағин ҳам буюкроқ вазифалар турибди. Буюк ишлар эса буюк ғайрат кўзғайди. Олий мақсадларимиз бор. Уларнинг барини халқимиз онгига етказмоқ — ҳозирги пайтда зиёлиларимиз зиммасидаги энг ҳайрли вазифа, шарафли бурчдир.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ.**

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

# ИНСПЕКТОР ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Таҳририятга келган хатларнинг бирида Тошкент шаҳридаги метронинг Чкалов номли бекати олдида бир қанча шахслар тегишли рухсати бўлмаган ҳолда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланаётганликлари оқибатида давлат солиғини тўлашдан ўзларини четга олаётганликлари тўғрисида ёзилганди.



Яқинда таҳририят мазкур масала бўйича Тошкент шаҳар прокурори 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси жаноб М. Наимовдан жавоб мактубини олди. Унда таъкидланишича, Ҳамза туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан «Чкалов» номли метро бекати олдида савдо-сотиқ ишларини амалга ошираётган фуқаролар ҳужжатларининг қонунийлиги текширилганда, фуқаро Х. Ғайбуллаева турмуш ўртоғи Ч. Нуруллаев билан жиноий тил бириктирган ҳолда акциз маркаси бўлмаган жами нархи 32770 сўмлик сигареталарни сотаётганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Тергов ҳаракатлари натижасига кўра Х. Ғайбуллаева амнистия тўғрисидаги Фармонга асосан жиноий жавобгарликдан озод этилган, Ч. Нуруллаевга нисбатан жиноят иши Ҳамза туман судига юборилган.

«Чкалов» номли метро бекати олдида ноқонуний равишда савдо билан шуғулланаётган фуқаролардан жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 13 нафари аниқланган, улардан 5 нафарига нисбатан жиноят иши ва 8 нафарига нисбатан маъмурий ишлар қўзғатилган.

Ушбу ҳудудда ноқонуний равишда савдо билан шуғулланаётган фуқароларга нисбатан ўз вақтида кескин чоралар кўрмаганлиги учун мазкур участка солиқ инспектори Д. Исмоилов эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

РЕСПУБЛИКАДАГИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР ВА КОМПАНИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*Пудрат савдоларни ташкил этиш бўйича Республика бошқармасининг Наманган вилояти филиали Сизларни очиқ турдаги пудрат савдоси (тендер) га қуйидаги объектлар бўйича таклиф қилади.*

| Т\р | Объектнинг номи ва манзили | Объектнинг қуввати | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1 | Чуст туманидаги Ғовасой «Қишлоқ даволаш пункти» | 50 ўрин | 120 кун |
| 2 | Косонсой туманидаги Бомраҳа «Қишлоқ даволаш пункти» | 50 ўрин | 120 кун |
| 3 | Наманган туманидаги Ипакчилик «Қишлоқ даволаш пункти» | 50 ўрин | 120 кун |
| 4 | Учқўрғон туманидаги Кўчқорота «Қишлоқ даволаш пункти» | 50 ўрин | 120 кун |
| 5 | Уйчи туманидаги Хизиробод «Қишлоқ даволаш пункти» | 50 ўрин | 120 кун |
| 6 | Мингбулоқ туманидаги Домса «Қишлоқ даволаш пункти» | 50 ўрин | 120 кун |

**БУЮРТМАЧИ: НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ.**

Тендерда қатнашишни хоҳловчи ташкилотлар Республика бошқармасининг Наманган вилоят филиалига соат 10.00дан 16.00гача мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: 716008, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават).

Телефонлар: (8-36922) 6-14-50, 6-47-91. Факс: (8-36922) 6-14-50.

Ц@2211

# ЯНА БИР ЯНГИ НАШР

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин барча соҳаларда бўлгани каби, таълим тизимида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Яқинда эса Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестатцияси бошқармаси ташкил этилди.

Мазкур бошқарма ўз фаолиятини, республикамиз таълим муассасаларида ўтказилган давлат аттестацияси натижаларини мунтазам ёритиб бориш мақсадида бюллетень чиқара бошлади. Икки ойда бир марта нашр этиладиган ушбу бюллетеннинг илк сонида олий ўқув юртида ўтказилган аттестация натижалари, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимидаги педагог кадрларнинг давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом ва бошқа материаллар чоп этилди, таълим муассасалари янгиликларига кенг ўрин берилди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

ҲУРМАТЛИ ПАХТАКОРЛАР!

«ГУФИК-АВИЦЕННА» қўшма корхонаси пахта йиғим-терими мавсумида сизларга улкан меҳнат зафарлари тилайди.

«ГУФИК-АВИЦЕННА» қўшма корхонаси соғлиғингиз ҳақида қайғуриб, сизни толиқишдан асрайдиган дори-дармонларни таклиф этади.

РУПРОКС капсулаларини врач тавсиясига кўра, кунига бир-икки маҳал, овқатдан кейин истеъмол қилсангиз белингиздаги, мускул ва суяк бўғинларидаги оғриқ, бош оғриғи ва шамоллаш хасталикларидан фориғ бўласиз.

ТЕДИНА таблеткасини аллергия, ринит, кўз ва бурун қичиши, шунингдек, умумий шамоллашларда истеъмол қилинг.

Бизнинг препаратларимиз меҳнатга лаёқатлиликни яхши сақлайди, иш пайтида уйқуга мойилликни йўқотади.

*Ушбу иккита дори пахта йиғим–терими мавсумида арзон нархларда сотилади.*




Ёши ўтган, суяк касалликлари билан оғриган кишиларга РУПРОКС капсуласи ёрдамида даволаниш курсидан ўтиш тавсия этилади. Беморлар шундагина ўзларида енгиллик, яхши кайфиятни ҳис этадилар!




«ГУФИК-АВИЦЕННА» - БУ СИЗНИНГ СОҒЛИҒИНГИЗ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИКДИР.

БИЗНИНГ ДОРИ-ДАРМОНЛАРИМИЗНИ ЎЗ ШАҲРИНГИЗ ДОРИХОНАЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Заводимиз ва бош офисимиз манзили:
Бухоро шаҳри, Номозгоҳ кўчаси, 74.
Тел.: (3652) 226-17-30, 226-47-41, 226-14-11.

«ГУФИК АТД» нинг Тошкентдаги ваколатхонаси:
Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51.
Тел.: (3712) 68-93-40, 68-24-29.

2191

# «ПАРВИНАБАНК» — ТАДБИРКОР ҲАМКОРИ

**Мустақиллик — Оллоҳ берган буюк неъмат. Унинг шарофати туфайли халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш имконига мушарраф бўлди. Жамиятда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан тубдан янгиланиш — гуллаб-яшнаётган кучли демократик давлатни, фуқаролик жамиятини шакллантириш даври бошланди. Бу ўз навбатида одамларнинг фикрлаш стереотипини ўзгартириш, уларда мулк эгаси туйғусини қайта уйғотишни талаб этмоқда.**

Муҳими, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби банк тизимида ҳам хусусий мулк юзага келди. Шу жараёнда, яъни 1994 йил 10 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 40-сонли лицензиясига асосан «Парвинабанк» тижорат банки фаолият кўрсата бошлади. Банк муассисларининг ярмидан ортиғини жисмоний шахслар ташкил этиши сабабли, 1998 йил 25 февралда банк хусусий банкка айлантирилди.

Банк инфратузилмасини яратиш ва унинг иш фаолияти самарадорлигини оширишда Президентимиз И. Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 13 июлдаги 362-сон ва «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 9 ноябрдаги 427-сон қарорлари фавқулодда аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида банк 1997 йилнинг 31 декабргача солиқ тўлашдан озод этилди ва ушбу маблағлар моддий-техник базани яратиш ва мустаҳкамлаш, банкни замонвайи компьютерлар ва алоқа воситалари билан тўлиқ жиҳозлаш, ички тармоқни вужудга келтириш, глобал тармоққа уланиш билан электрон почтани жорий этиш, банк ходимларини ўқитиш ва тайёрлашга йўналтирилди. Банкда автоматлаштирилган ахборот тизими янгиланди: тижорат банкларининг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилди. Банк фаолиятини оптималлаштиририш энг кўп вақт талаб этувчи операцияларни автоматлаштириш ишлари олиб борилди.

Ходимларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари қатъийлик ва изчиллик билан олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган «1997-2000 йилларда республика банк тизими муассасаларида ходимлар билан ишлашнинг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар Дастури»нинг ижроси таъминланаётир. Банк жамоасининг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Махсус маълумотга эга бўлган ходимларнинг улуши эса йил сайин ортмоқда. Шу йилнинг ўзида 21 киши олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирди. Ходимларнинг билими ва малакасини оширишда Банк-молия академияси ва Минтақавий банк ўқув марказида уюштирилаётган курслар, ТАСИС ва Халқаро экспертлар корпуси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли даражадаги семинарлар, иқтисодий ўқувлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ходимларнинг узлуксиз таълимини таъминлашда мураббийлик ҳаракатидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, банк аттестация комиссияси томонидан режали ўтказилиб туриладиган аттестация ҳар бир ходимнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашишга ундамоқда. Бу ҳол банк салоҳиятини ошириш, у кўрсатаётган хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, иқтисодиёт негизини ташкил этадиган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашаяпти.

«Парвинабанк» иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда мижозларга янада қулайроқ шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида 1997 йил август ойида Тошкент шаҳар бўлимини очган бўлса, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида Бош операциялар бошқармаси ва 6 та минибанкни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида эса банк Кенгаши ваколати кенгайтирилди, ички аудит хизмати ва бошқарув масъулияти оширилди. Натижада унинг 1998 йилги молиявий фаолияти «Ўзбанкаудит» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ва «KPMG» халқаро аудит компанияси томонларидан текширилиб, холисона баҳо берилди. Мижозлар ва потенциал мижозларни банкнинг молиявий аҳволи билан таништириб бориш мақсадида «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳам муҳим рол ўйнамоқда.

Муҳими, ўтган беш йил давомида устав капиталимиз 2 млн. сўмдан 121 млн. сўмга ошди. 150 млн. сўм миқдоридаги банк акцияларининг учинчи эмиссияси амалга оширилиши натижасида эълон қилинган устав капитали 210 млн. сўмни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, устав капиталини талаб даражасида тўлдириш ҳисоб-китоби бажарилиб, уни 1999 йилда ўстириш истиқболли динамикаси банк акциядорларининг молиявий имкониятлари ва банк фаолиятининг самарадорлиги таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

1999 йилнинг 1-ярим йиллигида банк даромади 162,6 млн. сўмни ташкил қилди. Банк активлари шу давр охирида 1 053,8 млн. сўмга тенг бўлиб, йил бошига нисбатан 48,6 фоиз ўсди. Банк капитали ўтган муддатда 146,2 млн. сўмга етиб, йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 63,6 фоиз ошди.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни жалб этиш, бу бизнес субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш учун банкимиз доимий равишда кредит ресурсларини ошириб бормоқда. 1999 йилнинг 1-ярим йиллигида кредитлаш банкнинг ўз маблағлари, жалб этилган депозитлар, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Бизнес-фонд», Бандлик жамғармаси линиялари ҳисобидан амалга оширилди. Шуниси эътиборлики, кредитлашда марказлаштирилган манбалар маблағлари жалб этилмади.

Кредитлар асосан бозорни халқ истеъмол моллари билан тўлдириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадларига берилди. Бу товар айланмасининг ошишига, Самарқанд шаҳри, вилояти ҳамда Тошкент шаҳри аҳолиси эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга кўмаклашади. Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида умуман берилган кредитларнинг жами миқдори 547 млн. сўмни ташкил этди. Яъни, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 354 млн. сўмга ошди. Ўсиш суръати эса 283 фоизга етди.

Агар банк ўз фаолияти бошида асосан савдо-воситачилик билан шуғулланаётган корхоналарга бозорни халқ истеъмол моллари билан тўлдириш учун қисқа муддатли кредитлар берган бўлса, ҳозирда унинг кредит сиёсати ишлаб чиқаришга янги замонавий технологияни жалб этишга мўлжалланган ўрта ва узоқ муддатли кредитларни ажратишга қаратилган. Товар ишлаб чиқарувчиларни кредитлашда банк томонидан имтиёзли фоиз ставкалари белгиланган бўлиб, улар ўрта муддатга берилади.

Маълумки, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида бюджетдан ташқари жамғармаларнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Шу боис ушбу жамғармалар билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди. 1999 йилнинг 1-ярим йиллигида бюджетдан ташқари жамғармалар линиялари ҳисобидан 114 млн. сўм миқдорида ўрта муддатли кредитлар берилди: Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 54 млн. сўм, «Бизнес-фонд» ҳисобидан 40 млн. сўм, Бандлик жамғармаси ҳисобидан 20 млн. сўм миқдорида. Айни чоғда банк жалб этиладиган маблағларнинг миқдорини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш устида иш олиб бормоқда.

PARVINA-BANK

Банк пул муомаласини барқарорлаштириш, пул айланмасини тезлаштириш, эмиссияни қисқартиш, давлат бюджетининг касса ижросини таъминлашда Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига асосланмоқда. Натижада касса кирим қисми режага нисбатан 198 млн. сўмга ўсиб, чиқим қисмининг 93 млн. сўмга камайтирилишига эришилди. Эмиссия улуши 6,2 фоиз озайди. Шу билан бир қаторда иш ҳақи юзасидан қарздорликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари кўриб борилаётир.

Пул айланмасини тезлаштириш мақсадида банк томонидан аҳолининг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилмоқда. Хусусан, Аёллар йили ва Наврўзга бағишлаб юқори фоизли «Саодат» ва «Баҳор» муддатли омонатлар очилди. Мижозлар омонатларининг бутлигини таъминлаш учун эса «Омонат-ҳимоя» суғурта фонди томонидан банкнинг барча мажбуриятлари суғурта қилинди.

Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарлари масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1997 йил 29 октябрдаги «1997 йил 4-чорагида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Республика корхона ва ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 428/57-сонли қарори асосида мижозларнинг молиявий аҳволи мунтазам таҳлил қилиниб, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўсишига йўл қўйилмаяпти. Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклини янада кенгроқ жорий этиш, муддати ўтган дебиторлик қарзининг умумий миқдорига тўлов талабномасини тўлиқ қўйиш бўйича тушунтириш ишлари юритилаётир. Оқибатда шу йилнинг биринчи ярмида йил бошига қараганда муддати ўтган дебиторлик қарзи 27 млн. сўмга, муддати ўтган кредиторлик қарзи 14 млн. сўмга камайди.

«Парвинабанк» 1996 йил 22 июлда қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида фаолият кўрсатиш учун 264-сонли лицензия олган эди. Бу йўналишда банк учун давлат қисқа муддатли облигациялари ўзининг юқори ликвидлилиги билан муҳим аҳамият касб этади. Шу йилнинг 1-ярим йиллигида ушбу қимматли қоғозлар билан ўтказилган банк пул айланмаси 527 миллион сўмдан ортиб кетди. Олинган даромад шу давр ичида қарийб 4 млн. сўмни ташкил этди. Юридик шахсларнинг бўш маблағларини жалб этиш мақсадида банк томонидан биринчи чиқаришдаёқ 80,0 млн. сўмлик 1600 дона депозит сертификати тўлиқ сотилди. 1999 йил апрел ойида ҳар бирининг номинал қиймати 200 сўм бўлган 150 млн. сўмлик депозит сертификатларининг иккинчи эмиссияси чиқарилди. Ҳозирча эса унинг 114,6 млн. сўмлиги сотилди.

Парвинабанк, шунингдек, инвестиция лойиҳаларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Банкнинг «Тошкент» республика фонд биржасида ўз брокерлик ўрни бор. Ҳозирда банк қимматли қоғозлар портфели корхоналарнинг замонавий технология билан жиҳозланиши, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришига кўмаклашиб келмоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларда саноати ривожланган давлатлар ютуқларини ўрганмасдан, улардан илғор технологияни олиб келмасдан, улар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатмасдан ижобий натижаларга эришиб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Мустақиллик йилларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан, хусусий тадбиркорлар исталган мамлакатдаги хўжалик субъекти билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий ҳамкорликка фаол қатнашиш имконига эга бўлди. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, ҳали бизнинг тадбиркорларимизда етарли тажриба йўқлиги, халқаро бозорда узоқ йиллар давомида ўрнатилган қаттиқ қонун-тартибларга риоя этилгандагина у ерда муқим ўрнашиб олиш мумкинлигига аҳамият бермаслик, фақат бугунни ўйлаб иш кўриш яққол сезилиб туради. Бунинг учун банк консалтинг хизматлари турини кенгайтириб бормоқда, уларга ҳужжатларни тайёрлашда, турли операцияларни бажаришда ёрдам бериб, учрашувлар уюштирилмоқда.

1995 йил 24 июлда Марказий банк томонидан хорижий валютада операциялар ўтказиш учун 27-сонли бош лицензия олганимиздан кейин Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзприватбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк»лар билан ҳам ваккиллик алоқалари ўрнатган эдик. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида банк томонидан умумий миқдори 28,5 млн. АҚШ доллари бўлган 90 та импорт ва экспорт шартномалари рўйхатга олинди.

Албатта, эришилган натижалар бизни тўла қониқтиради, деб айтолмаймиз. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Биз уларни бартараф этган ҳолда, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

**Дилшод ПЎЛАТОВ,**
**«Парвинабанк» бошқаруви раиси.**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси «Халқ сўзи» газетаси фотомухбири Нўъмонжон Муҳаммаджоновга синглиси

**ЧАМАНОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент Молия институти маъмурияти ва жамоат ташкилотлари Кредит-иқтисод факультети декани, профессор Эсон Эгамовга онаси

**Фотима ая ЭГАМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига таъзия изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси «Ижтимоий фанлар» туркуми ҳайъати ўқитувчиси Шоира Шоабдураҳимовага волидалари

**ТОЖИНИСО аянинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*18 октябр — Самарқанд куни*

# АЖДОДЛАР РУҲИ ҚЎЛЛАГАЙ

Самарқанднинг маҳобатига, салобатига бир назар ташланг: аждодларимиз юксак ақл-заковатининг маҳсули бўлган ҳар бир обиданинг ўзи бир тарих. Айниқса, Амир Темур ва темурийлар даври унинг солномасида, ҳаётида бетакрор излар қолдирди. Дилкушо боғлари, меъморий обидалари, илм-фани, маданияти, санъати билан жаҳонга шуҳрат таратди Самарқанд.

Қаранг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли ташкилоти — ЮНЕСКО Самарқандга, Амир Темур ва Темурий ҳукмдорларнинг инсоният тафаккури хазинасига қўшган улкан ҳиссасига катта эҳтиром кўрсатиб келмоқда. Бизда мустабид тузум давом этаётган бир пайтда — 1969 йилда ана шу мўътабар ташкилот Самарқандда темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро илмий симпозиум ўтказган эди. Анжуманда Америка, Англия, Франция, Афғонистон, Германия ва республикамиздан иштирок этган таниқли темуршунос ва санъатшунос олимлар Темурийлар даврида санъат, маданият, илм-фан юксак даражада ривожланганлигини исботлаб беришган.

Булардан англашиладики, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали учун айнан Самарқанднинг танлангани бежиз эмас. Фестиваль оҳанглари мустақил Ўзбекистоннинг севинчлари бўлиб таралди оламга.

Ҳали Самарқанднинг очилмаган сир-синоатлари кўп дедик. Ҳақиқатда ҳам шундай. Истиқлол эса бизга Самарқанднинг асрлар қатида яшириб келинаётган дарду қувончлари, гўзаллигу бойликларини инъом этаётир. Биргина ҳайратланарли Регистонни олайлик. Не бир кўргиликларни бошидан ўтказмади, у. Октябр инқилобининг зарбли тўплари «социализм» деган мустабид тузумнинг зуғумлари ҳам унинг қаддини буколмади.

Бугунги кунларга ададсиз шукроналар айтсак арзийди. Регистон ансамбли бугун ўлмас тарих, аждодларнинг порлоқ руҳи, гўзаллик рамзи ва ҳайрат тимсоли бўлиб яшнаб турибди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларнинг энг эзгуси, энг буюги — ана шу юрт, ана шу миллат учун жон фидо қилган аждодларимиз руҳининг шод этилганлиги, уларнинг бебаҳо мероси қадр топганлигидир.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи муносабати билан Гўри Амир мақбараси атрофидаги иморатлар олиниб, улар ўрнида кўркам Амир Темур боғи барпо этилди. Боғ яқинида соҳибқироннинг салобатли ҳайкали ўрнатилди. Шаҳарга биринчи рақамли Амир Темур ордени топширилди ва 18 октябр — Самарқанд куни деб эълон қилинди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузурида «Самарқанд шаҳрини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш» жамғармасининг тузилганлиги шаҳарни ободонлаштириш борасидаги ташаббускорлик ва уюшқоқликнинг ошишига хизмат қилди. Амир Темур боғига монанд унинг рўпарасида Театр майдони барпо этилди. Боғ ва майдондаги фавворалар бир-бирларига шунчалик уйғунки, беихтиёр уларга қараб шаҳарнинг беҳад гўзалликка йўғрилганлигини ҳис этасан. Салобатли Амир Темурнинг мағрур қиёфаси эса, юртимизга қадриятларимизнинг қайтганлигини, мустақиллик туфайли биз жаҳонга, жаҳон бизга интилаётганлигини ифодалайди.

Истиқлолнинг чароғон нурлари ила йўғрилган Самарқанд бугун ойдин истиқбол сари дадил одимламоқда. Бу йўлда самарқандликларни шу замин бағрида яшаб ўтган буюк аждодлар руҳлари қўллагай.



**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# БОҚИЙ СЎЗ

**Филология фанлари доктори, профессор Тўра МИРЗАЕВ билан суҳбат**

**2-МУЛОҚОТ**





**— «Алпомиш» достонини биринчилардан бўлиб ёзиб олган Ғози Олим ҳақида кенг газетхонлар айтарли маълумотга эга эмас. Ҳолбуки, бу адабиётшуноснинг маданият тарихимизда ўз муносиб ўрни бор...**

— Ҳа, Ғози Олим Юнусов биринчи ўзбек филолог профессори, кенг қамровли олим. У 1893 йилда Тошкентда туғилган. Қоҳира ва Истамбул университетларини тамомлаган, араб, форс, рус ва туркий тилларни мукаммал билган. 1937 йилда қатоғон этилгунга қадар Ўзбек билими ҳайъати, Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси, Ўзбекистон Давлат университети, Тошкент Давлат педагогика институтида ўзбек тилидан дарс берган. 1929 йилда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига, 1930 йилда Хоразмга, 1932 йилда Чирчиқ ва Оҳангарон воҳаларига уюштирилган учта йирик фольклор-диалектологик экспедицияларга бошчилик қилган. Асарлари ўзбек тили ва диалектологияси, фольклор ва этнография масалаларига бағишланган. Унинг «Ўзбек лаҳжалари таснифида бир тажриба» китоби ҳали ҳанұз ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифнинг айтишича, у ўзбек тилининг биринчи илмий грамматикасини яратган олимдир. Ўзбек уруғлари, уларнинг тарихи ва тарқалиши ҳақида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борган.

**— Юқорида алоҳида таъкидлаганингиздек, «Алпомиш» достонининг нашр этилиши ва илмий ўрганилишида атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжоннинг улкан хизматлари бор. Аммо бу хизмат бугун турлича баҳоланмоқда. Шу масалада Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.**

— Ҳақиқатдан ҳам бугун Ҳамид Олимжон нашрига нисбатан ноилмий доираларда беписанд, ҳақиқатдан узоқ мулоҳазалар юритилмоқда. Айрим мулоҳазаларга кўра, гўё Ҳамид Олимжон достонни адабий-бадиий жиҳатдан қайта ишлаб чиққан ва унинг ғоявий мазмунини бузиб, замонавийлаштирган. Бундай қараш қуруқ, ҳавойи мулоҳазалардан бошқа нарса эмас. Аслида эса, Ҳамид Олимжон достон матнига жуда ҳам эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган, ўша давр талабидан келиб чиқиб, атиги бир неча сўзларнигина ўзгартирган, холос. Достон тилини таҳрир қилмаган, фақат ва фақат матнни қисқартирган. Бундай қисқартиришлар ҳам жуда эҳтиёткорлик ва ғоятда санъаткорлик билан амалга оширилган. Ҳамид Олимжон ўзидан бирор жумла ёки парча қўшмаган, балки қўлёзманинг ўз имкониятларидан тўла равишда фойдаланган. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон тажрибаси ўзбек фольклоршунослигида кенг қўлланилади. Иккинчидан, Ҳамид Олимжон «Алпомиш» достони устида икки йилдан кўпроқ муддатда жиддий равишда илмий тадқиқотлар олиб боради. Унинг достонга сўз боши тарзида эълон қилинган илмий иши мустақил ажойиб тадқиқот. У «Алпомиш» ҳақидаги биринчи жиддий текшириш сифатида ҳануз ўз аҳамиятини тўла равишда сақлаб келмоқда. Шу ўринда, «Алпомиш» достони яратилганлигига 1000 йил бўлганлиги ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар ҳам Ҳамид Олимжонга тегишли эканлигини таъкидлаш янада ёқимлидир.

**— Ҳозир Фозил шоир вариантига ҳам шубҳа билан қаровчилар пайдо бўлиб қолди. Бунга нима дейсиз?**

— Бундай ғайриилмий қараш илдизи яна достонни Ҳамид Олимжон ёзиб олиб, адабий таҳрир қилган, деган нотўғри маълумотга бориб тақалади. Достонни ёзиб олишда Ҳамид Олимжон мутлақо қатнашмаган. У пайтда Ҳамид Олимжон талаба бўлиб, бирорта ҳам китоби ҳали чиқмаган эди. Шоир достонни ўрганишга у ёзиб олингандан 8-9 йил кейин киришган ва ўз вазифасини, юқорида айтилганидек, аъло даражада бажарган.

Борди-ю, Фозил шоир нусхасини қайси бир йўл билан Ҳамид Олимжон адабий таҳрир қилгандир, деб тасаввур қилганимизда ҳам, бундай тасаввур бадбинлик бўлсада, кўпгина фактлар мана мен, деб бизга қарши туради. Унда «Ширин билан Шакар», «Малика айёр», «Интизор», «Муродхон» каби халқ достонларининг мумтоз намуналарини берган Фозил шоирга кимнинг адабий ёрдами бўлган экан, деган қонуний савол туғилмайдими?! Бундай ҳақиқатдан йироқ мулоҳазаларни рад этиб, достонга холислик билан ёндашишимиз зарур.

**— Бир вақтлар «Алпомиш» достонини таъқиқлаб қўйганлари эсимда. Лекин достоннинг бошидан кечган синовлар, кўргиликлардан кенг жамоатчилик яхши хабардор эмас...**

— Шуниси ачинарлики, «Алпомиш» достони илмий доираларда жуда юксак баҳоланган, ҳали улкан достончилар барҳаёт бўлиб, уни элимиз орасида бутун нафосати билан куйлаб келаётган, асар Ҳамид Олимжон нашри орқали ҳам кенг тарқалган, мактаблар ва олий ўқув юртлари ўқув дастурлари ҳамда дарсликларидан муносиб ўрин олган, унинг мотивлари асосида драмалар ва театр спектакллари яратилган бир пайтда А. Абдунабиев ва А. Степановлар (уларнинг иккаласи ҳам фольклор мутахассиси эмас!) «Правда Востока» газетасининг 1952 йил 29 январь, «Литературная газета»нинг 14 февраль, «Звезда Востока» журналининг 2-сонларида достонни кескин қораловчи мақолалар эълон қилдилар. Шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, А. Абдунабиев ва А. Степановлар «Алпомиш» достони ҳақида махсус тадқиқотлар олиб бормаганлар, халқ орасида бирор банд қўшиқ ёки битта мақолни ҳам ёзиб олмаганлар. Хабардор кишиларнинг маълумотларига қараганда, улар достоннинг архивдаги бирор варианти қўлёзмасини ўқиб ҳам чиқмаганлар, фақат Фозил шоир вариантининг русча таржимаси асосида қоралов ёзганлар, холос. Шунинг учун ҳам уларнинг мақолалари қуруқ декларативлиги, ҳақоратомуз бақириқлари, қораловчи чақириқлари билан ажралиб туради. Одатда, ўша давр таомилига кўра, бундай чиқишлардан кейинроқ кенгашлар, йиғилишлар ўтказилиб, кескин маъмурий чоралар кўрилар эди. Шундай кенгашларнинг бирида А. Абдунабиевнинг 1952 йил 28 мартда сўзлаган нутқи стенограммасидан битта мисол келтирайлик: «Биз Жирмунскийга, профессорлар Бертельс ва Климовичга, космополит Зарифовга, ёзувчилар Мақсуд Шайхзода ва Собир Абдуллага, фольклоршунос Богдановага, доцент Афзаловга, шоир Пеньковскийга сиёсий айблов эълон қиламиз». Бу гапларнинг илмга мутлақо алоқаси йўқ. Улар собиқ қаттол тузумнинг қоралаш, ман этиш, маҳкум қилиш сиёсатининг шармандаларча ифодаси эди, холос...

Фольклоршунослигимиз тарихидаги бундай таҳликали даврнинг барча тафсилотларига берилмай, икки жиҳатни алоҳида таъкидлаш зарур.

Биринчидан, ғирт туҳматдан иборат бу хилдаги мақолаларни ўша даврнинг ўзбек тилидаги матбуоти эълон қилмаган. Кенгашлар ва йиғилишлар ҳақида умумий тарзда хабарлар берилган, холос. Менинг назаримда, бу — бўлаётган воқеаларга нисбатан, зимдан бўлса ҳам, ўзига хос норозилик белгиси эди.

Иккинчидан, софдил, фидойи ўзбек фольклоршунослари бундай ғайриилмий баҳо билан келиша олмадилар. Улар умидсизликка тушмай, таъқиқлардан қўрқмай, достоннинг янги вариантларини ёзиб ола бошладилар. Ҳатто Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов сингари фидойи фольклоршунослар Москвада ўтказилган кенгашда 1954 йилдаёқ нақд оловнинг оғзида туриб, «Алпомиш» достони ҳақиқий халқчил миллий эпос эканлигини, уни ўрганиш учун махсус илмий конференция ўтказиш зарурлигини баралла айтиб чиқдилар. Бизнинг назаримизда, бу — жасорат, фидойилик, ўзлигини сақлашга уриниш каби олижаноб сифатларнинг ўзига хос кўринишидир.

**— «Алпомиш» достонининг дунёга келиш тарихи, генезиси тўғрисида ҳам турли фаразлар ва қарашлар мавжуд. Бу масалада қандай фикрдасиз?**

— «Алпомиш»дек буюк эпопеянинг яратилиш даври ва сюжет таркибининг тараққиёт босқичлари ҳақида хилма-хил қарашлар ва фаразларнинг бўлиши табиийдир. Аммо бундай қарашлар илмий асосланиши, достон таҳлилидан келиб чиқиши зарур. Акс ҳолда, ҳар қандай фараз қуруқ тахминлигича қолиб кетиши мумкин. Тахмин эса, ҳар қандай фараз ва илмий ғоянинг душманидир.

Мен юқорида Вазирлар Маҳкамаси қарорининг илмий асоси ҳақида бекорга сўзлаган эмасман. Қарорда достон яратилиши даври масаласи жуда ҳам тўғри ҳал этилган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун «Алпомиш» достони устида махсус тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрлари таҳлил этилса, масала янада ойдинлашади.

Академик В.М. Жирмунскийнинг назариясига кўра, «Алпомиш» достони олтойликлар орасидан кейинги даврларда ёзиб олинган «Алип-Манаш»га ўхшаш шаклда бўлган баҳодирлик эртаги тарзида Олтой тоғи этакларида VI-VIII асрларда яратилган. Шайбонийлар билан гўё бу сюжет Жанубий Ўзбекистонга олиб келинган ва XVI асрда баҳодирлик эртаги ёки қўшиқлари асосида қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» яратилган ҳамда бу ердан ўзбеклар, қорақалпоқлар ва қозоқлар орасида кенг тарқалган... В.М.Жирмунскийнинг бу назарияси, умуман, унинг версиялар ҳақидаги қарашлари қанчалик ҳайратли бўлса, шунчалик мунозаралидир. Чунки бу гипотеза достон миллий версия ва вариантларининг конкрет таҳлиллари асосида эмас, балки уларни айрим уруғ ва қабилаларнинг этник тарихига (шунда ҳам кўпроқ ташқи факторларга асосланиб) мослаштириш асосида юзага келган. Проф. А. К. Боровков достонни «қипчоқ-туркий» редакцияда XII-XIY асрларда яратилган деса, бошқа олимлар ўз таҳлилларида кўпроқ «қалмоқ» мавзуига асосий эътиборни қаратадилар.

Кейинги йилларда айрим олимлар достонни муайян даврлардаги ижтимоий-иқтисодий воқелик, турмуш тарзи билан боғлаб ўрганмаган ҳолда уни бир минг беш юз, икки минг, ҳатто икки ярим минг йил бурун яратилган, деган мулоҳазаларни илгари сурмоқдалар. Чамаси уларнинг қарашлари кўпроқ эҳтирослар ёки достондаги айрим жиҳатларни мутлоқлаштириш асосида юзага келган. Масалан, қай бирлари Алпомишнинг прототипини қидирсалар, бошқалар ундаги мифологик қатлам ёки изосиллабизмларга суянадилар ёхуд санъатдаги синкретизм билан унинг синкретик босқичини аралаштириб юборадилар.

Халқ достонлари яратилиш даврини аниқлаш унга яхлит бадиий асар сифатида қараш ва бир неча томондан ёндашишни талаб қилади. Шу жиҳатдан, бизнингча, ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифнинг қарашларини қабул қилиб, уни ривожлантириш зарур. Ҳоди Зариф достон сюжет таркибини бир неча вариантлар асосида таҳлил қилиб, уни мўғуллар истилосигача XI-XII асрларда яратилганлигини исботлади. Бунда у достонда тасвирланган ижтимоий-сиёсий воқелик ва турмуш тарзи, ўзбек-қўнғирот уруғи ҳақидаги ривоят ва унинг мўғулча хунхуротга алоқаси йўқлиги, тарихий- адабий асарлардаги айрим тафсилотлар, достондаги от, туя культининг излари, Алпомиш образининг юзага келиши ва бошқа ўнлаб далилларга асосланди. Биз барча китоб ва мақолаларимизда, фольклоршунос Б. Саримсоқов билан ҳамкорликда яратилган «Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти» номли тадқиқотимизда Ҳоди Зариф қарашларига асосланиб, достонни X-XI асрларда яратилганлигини таъкидлаб келдик.

Юқорида айтилганларга асосланиб, биз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорида достон яратилиш даври 1000 йил доирасида белгиланиши жуда катта илмий асосга эга эканлигини яна бир бор таъкидлаб, ўз хулосаларимизни қуйидагича аниқлаштирмоқчимиз. Бизнингча, «Алпомиш» достони, бошқа халқ достонлари сингари, қадимги даврларда жонли оғзаки ижро жараёнларида яратилган ва асрлар давомида халқ бахшилари томонидан турли шароитларда куйлаб келинган. Шунинг учун ҳам даврлараро ижро давомида бу достоннинг туб асослари сақланиб қолинган ҳолда унинг бир қанча мотивларининг маъно ва мазмунида жиддий ўзгартиришлар юзага келган. Натижада, достон сюжети таркибидаги кўпгина мотивлар ўзларининг туб асосларидан узоқлашиб, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаша борган. Бу ҳол унинг сюжет таркибида кўп қатламлиликни юзага келтирган.

Достон версия ва вариантларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, халқимиз ислом динини қабул қилгандан кейин бу улкан эпик асар бутунлай қайта яратилган ҳамда бу қайта яратилган варианти ҳам бир неча тадрижий босқичларни ўз бошидан кечирган, унинг яратилишида ота-боболари иштирок этган туркий халқлардан ҳар бирининг миллий эпосига айлана борган. Аммо унинг қадимги вариантлари ёки сюжет асослари бизгача етиб келмаган. Шунга қарамай, «Алпомиш» достони вариантларида сақланиб қолган қадимий мотивлар ва тушунчалар олис ўтмиш замонларда бобо сюжет бўлганлигидан далолат беради. Туркий халқларнинг ислом динини қабул қилиш босқичлари ва бу халқлар яшаган ҳудудлардаги мураккаб этногенетик жараёнлар ҳамда достоннинг ғоявий-бадиий асослари унинг янгидан яратилиши IX-X асрлар доирасида бўлганлигини тўла равишда тасдиқлайди. Бунда IX асрдан бошлаб қарлуқ давлати (қорахонийлар давлати) ҳудудларида яхлит оғзаки ва ёзма адабий анъаналарнинг муайянлашуви, ягона оғзаки ва ёзма адабий тилнинг юзага келиш жараёнлари, энг муҳими, туркий тилдаги улкан бадиий адабиётнинг яратилганлигини ҳам унутмаслик керак.

«Алпомиш» достони, унинг версия ва вариантларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бадиий камолоти билан боғлиқ масалалар шунчалик кўпки, улар ўзининг жозибадорлиги ва хилма-хил қирралари ҳамиша кам тадқиқ этилганлиги билан ҳали кўп авлод тадқиқотчиларининг диққатини жалб эта беради. Чунки унга ўрганилган жиҳатлар билан бир томонлама ёндошиш мумкин эмас. Бизнинг назаримизда, «Алпомиш» достони, хусусан, унинг ўзбек версияси бир қатор бошқа эпосларда бўлганидек, мифологиянинг ривожи ёки унинг бадиий-эстетик диффузияси тарзида юзага келган эмас, балки бутун бошли мифологик қарашнинг инкори сифатида яратилган буюк эпопеядир. Шунинг учун ҳам у одамларни — идеалдаги ва табиий инсонни кўкларга кўтариб мақтовчи, ғоятда «инсонийлашган» улкан эпосдир. Ундаги мифологик қатлам эса қадимги турмуш тарзининг бадиийлаштирилган ва идеаллаштирилган кўринишларидир, холос. Достоннинг жаҳон халқлари эпик ижодиётидаги айрича ўрни ҳам ана шу билан белгиланади.

**Суҳбатдош:**
**Михли САФАРОВ.**

*Fairtrade - Олмониянинг кўргазмалар ташкилотчиси Сизларни таклиф этади.*

**Construct '99 Central Asia**

**1999 йил 26 - 29 октябр**
**Ўзбекистон, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107, «Ўзэкспомарказ»**
Иш вақти: 10.00 - 17.00

**Мутахассислар билан учрашиш имкониятини қўлдан бой берманг.**
Жаҳоннинг етакчи фирмалари ўзларининг янги технология ва маҳсулотларини намойиш этадилар.

Қурилиш машина ва ускуналари соҳасидаги: Arabboy,CBS Turkey, CITES Conditioner Ltd., Fritz Fuss,Her is-Seramik,Kale Kilit, Knauf,Oventrop, Pakpen, Paschal-Werk-G.Maier, Projektierung und Anlagenbau, Reflex Winkelmann & Pannhoff, Viessmann, Wilo каби етакчи фирмалар Сизларни олқишлайди.

Марказий Осиёда 3-маротаба бўлиб ўтадиган қурилиш индустрияси ва материаллари, маиший техника, уй учун ички жиҳозлар ва маҳсулотлар халқаро кўргазмасига ташриф буюринг!

Амир Темур метро бекатидан «Ўзэкспомарказ» бўйлаб ҳар 20 дақиқада тезюрар автобуслар қатнайди.

**Ташкилотчилар:**
fairtrade
Fairtradeнинг Тошкентдаги офиси: Амир Темур кўчаси,107, 3-павильон. Тел.: 345495 Факс: 344460

UZEXPOCENTRE
Амир Темур кўчаси, 107, 700084, Ўзбекистон, Тошкент.

2221

EXPO Italia 99

**1999 йил 21-25 октябр**

**«ЭКСПО ИТАЛИЯ — 99» кўргазмаси**

**120 дан зиёд Италия фирмалари илк бор Ўзбекистонда намойиш этадилар:**

- **Технология ва ускуналар:**
  - *-тўқимачилик саноати;*
  - *-кийим тикиш;*
  - *-тош,мармар, гранитга ишлов бериш;*
  - *-агросаноат сектори;*
  - *-озиқ-овқат саноати;*
  - *-ўраш ва қадоқлаш;*
  - *-хизмат кўрсатиш соҳалари учун.*
- **Қурилиш ва бошқа тармоқлар учун резина, ПВХ, алюминийдан тайёрланган маҳсулотлар.**
- **Уй-рўзғор буюмлари:**
  - *-мебель;*
  - *-тайёр кийимлар;*
  - *-сопол буюмлар;*
  - *-ошхона анжомлари;*
  - *-тилладан ясалган буюмлар.*

**Ташкилотчилар: «Интерэкспо» компанияси ЎзР ТИАВ ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида.**

*Кўргазмага хуш келибсиз!*

*Манзилимиз: Тошкент ш., Амир Темир кўч., 107 «Ўзэкспомарказ» РСКМ, 1-павильон*

*Иш вақти: 1999 й. 21.10. 11.00. дан 18.00.гача 1999 й. 25.10. 10.00. дан 18.00.гача*

Ц@2203

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0820, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. МАДАТОВ.
Навбатчи — А. АБДУБАННОПОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.45*
1 2 3 4 5 6